

Меҳр ва саховат ифодаси. Иккинчи карвонимиз ҳам Сирдарёга етиб борди.



23:17 / 04.05.2020 1605

Бугун, 4 май куни хайрия штабидан йўлга чиққан, жами 70 тоннага яқин озиқ-овқат, кийим-кечак, кўрпа-тўшак, дори-дармонлар, ўйинчоқлар ва бошқа турдаги маҳсулот юкланган автокарвон Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги Пахтакор маиший хизмат касб-хунар коллежига етиб борди. Бу ерга офатдан зарар кўрган ҳудуддан эвакуация қилинган уч ярим мингга яқин фуқаролар жойлаштирилган эди.

Хайрия штаби вакилларини Сайхунобод тумани ҳокимлиги вакиллари ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг туман вакиллиги ходимлари кутиб олишди.

Вакилларимиз ҳокимликнинг масъул ходимлари, мутасаддилар саховатпеша юртдошларимиз томонидан юборилаётган инсонпарварлик юкларини қабул қилиш, жойлаштириш ва оилаларга тақсимлаш ишлари тартибли йўлга қўйилганига амин бўлинди.

Яратганга шукр, халқимиз бағрикенг, ўзганинг дардини ўзиникидек ҳис қила оладиган, диёнатли халқ. Охирги бир бурда нонини бўлиша оладиган, бошқалар учун чин қалбдан қайғурадиган халқ. Бунга охирги ойларда кечаётган мусибат дамларида, ташвишли кунларда барчамиз гувоҳ

бўляпмиз.

Омонатни етказган дўстларимизнинг ҳикоя қилишича, офатдан зарар кўрганлар кўчириб келинган, коллежга жойлаштирилган. Бироқ маҳаллий аҳоли катта қисми келиб, кўплаб оилаларни ўз уйларига олиб кетиб, жой беришган, ўрин-жой ажратиб, борларини баҳам кўришган. Ўзларининг шароити унчалик яхши бўлмаса ҳам, ҳеч иккиланмасдан, бошига синов келган ҳамюртларимиз учун уйларининг тўридан жой беришган.

Вакиллар юқларни эгаларига етказиш асносида ана шундай хонадонлардан бир нечасига кириб, ажратилган ёрдам маҳсулотларидан бериб, уларнинг ҳолларидан хабар олишган, эҳсон қилган сиз азизларга кўпдан кўп дуолар олиб қайтишган.

Хайрия ишларига бевосита ва билвосита ҳисса қўшган барча юртдошларимизга, хусусан, Тошкент шаҳрида хайрия штабида хизматда бўлган барча кўнгилли ака-укаларимиз, ўзларининг юк машиналарида беғараз ёрдамларини аямаган фидойи дўстларимизга ташаккур айтамыз.

Аллоҳ таоло барчангизга Рамазон ойида қилинган бу хайр-эҳсонлар учун ваъда қилинган ажру савобларни кўпайтириб ато этсин!

Эслатиб ўтамыз, Сардобада зарар кўрганларга ёрдам бериш штабига эҳсонлар қабул қилиш давом этмоқда. Узоқ сақланадиган озиқ-овқатлар, кўрпа-тўшаклар ва айниқса қурилиш материаллари қабул илинмоқда.













